



ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тиллаев Бекзод Собир ўғли,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти мустақил изланувчиси,
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация (Annotation)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг
Олий Мажлисга мурожаатномасида мамлакат банк тизими ва
пул-кредит соҳасига доир қуйидаги стратегик аҳамият касб
этувчи вазифалар белгилаб берилди:



- 2021 йилда инфляциян таргетлаш сиёсати доирасида нарх-наволарнинг 10 фоиздан ошмаслигини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг хорижий валюталарга боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш. Жумладан, тижорат банкларининг кредит портфелида хорижий валютадаги кредитлар улушини мавжуд 50 фоиздан 45 фоизгача пасайтириш, миллий валютада номинацияланган облигациялар улуши мавжуд 25 фоиздан камида 40 фоизгача ошириш;
- банкларо валюта биржасида амалга оширилаётган барча турдаги операцияларни “онлайн” платформага ўтказиш;
- банklar фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш;
- мамлакат молия бозоридаги рақобат даражасини ошириш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштириш;
- мамлакатнинг йирик банклари жумласига қирувчи “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака банк” АТБ, “Ипотека банк” АТБ, “Туронбанк” АТБ ва “Қишлоққурилишбанк” АТБ ларни хусусийлаштиришга тайёрлаш. Камида битта йирик банкдаги давлат улушини стратегик инвесторларга тўлиқ сотиш;
- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қаубл қилинган давлат дастурларида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 6 трлн.сўм миқдоридаги имтиёзли кредитларни ажратиш.

Шу билан бир қаторда, Президент мурожаатномасида тижорат банклари мижозга йўналтирилган банк сиёсатини юритиш ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш орқали ҳудудни ривожлантириш дастурларини тижорат банкларининг бизнес модели билан уйғунлаштириш вазифаси белгилаб берилди.

Қайд этилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш тижорат банклари ва олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграцион алоқаларни янги босқичга чиқаришни тақозо этади. Фикримизча, ушбу интеграцион жараёнлар ўзаро алоқадор ва узвийликда бўлган қуйидаги икки йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчи йўналиш: фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг амалий фаолиятда қўллаш имкониятларини ошириш. Бу йўналишда олий таълим муассасаларининг фундаментал ва амалий тадқиқотлари стратегик ва тактик аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг назарий ва услубий асосларни такомиллаштиришга қаратилиши, тижорат банклари мутахассислари ушбу тадқиқот натижаларининг амалий фаолиятга жорий этиш имкониятларини мониторингдан ўтказилишини таъминлашлари лозим бўлади. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда амалий фаолиятда қўллаш имкониятларини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги иш режаларини ишлаб чиқишда қуйидаги хусусиятлар эътиборга олинishi зарур:

1. Банк фаолиятида кузатилаётган муаммоларни келтириб чиқарувчи реал ташқи ва ички омилларни аниклаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантириш. Ташқи ва ички муҳитдаги муаммоларни юзага келтирувчи омиллар табиатининг хилма-хиллиги (технологик, психологик, ташкилий, иқтисодий ва бошқалар) тадқиқотларни “фанлараро тадқиқотлар” форматида ўтказилиши талаб қилади. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларни режалаштириш, ташкил этиш ва амалга ошириш механизмларини мавжуд вазият ва вазифаларга мос равишда тубдан қайта кўриб чиқилишини тақозо этади;

2. Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар ва таклиф этилаётган хизматларни рақамлаштириш даражасининг ошиб бориши, тўлиқ рақамлаштирилган хизмат кўрсатиш марказларининг тармоғининг тўхтовсиз кенгайиб бориши, банк фаолиятига тарихан ўхшаша бўлмаган принципларда ишловчи тизимларнинг жорий қилиниши банкларнинг “бизнес-моделини” ўзгартирилишини тақозо этади. Олий таълим муассасалари ўзларининг илмий тадқиқотларида усуворликни айнан шу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга қаратишлари олий таълим ва тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади;

3. Тижорат банклари фаолиятига “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши ва ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича масъуллигининг кучайтирилиши яқин ва узоқ истикболда ҳудудларни ривожлантириш стратегияларига бўлган эътиборнинг кучайишига сабабчи бўлди. Бундай ҳолат тижорат банклари ва олий таълим ўртасидаги интеграциялашиш жараёнларининг янги йўналишини белгилаб беради. мазкур жараён мультиклипатив самарани намоён қилган ҳолда стратегик ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишга давлат бошқаруви органларининг интеграциялашувини таъминлаб беради (1-расмга қаралсин).



1-расм. Худудий ривожланиш стратегиясини шакллантириш схемаси

Иккинчи йўналиш: тижорат банклари олдига қўйилган стратегик вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган малакали ходимлар захирасини тайёрлаш бўйича олий таълим ва банклар ўртасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантиришни қамраб олади. Мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар мажмуаси қуйидаги масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорликда банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда яқин ва узоқ истиқболда банк ходимларининг малакаси ва кўникмаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиши зарур. Бу орқали олий таълим муассасаларида банк ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишнинг муҳим методологик базаси шакллантирилади. Бундан ташқари, мазкур тадбирнинг амалга оширилиши иш берувчи банкларнинг олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнларини ташкил этилишига бевосита таъсир ўтказиш имкониятини яратди.

2. Тижорат банклари ўз миссияси ва ривожланиш стратегиясидаги вазифаларга мос ҳолда “Ходимлар сиёсати”ни ишлаб чиқишда олий таълим муассасаларида ўқув режалари ва дастурларини эътиборга олишлари лозим. Бу билан тижорат банклари ва олий таълим ўртасида тесқари алоқа механизми шакллантирилади. Тесқари алоқа механизми ўз навбатида икки тизимдаги муаммоларни аниқлаш ва тезкор бартараф этиш имкониятини беради.

Адабиётлар (References)

1. Акофф, Р. Л. Системы, организации и междисциплинарные исследования. Перевод на русский язык: Г. Л. Смолян. Исследования по общей теории систем. Сборник статей. М.: 1969.
2. Акофф Р.Л. Планирование будущего корпорации. М.Прогресс. 2005. – 328 стр.
3. Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, н.а. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономова. М.: Изд. Института Гайдара, 2011. 416с. 195-196 стр.

4. Nipperdey, Thomas: Deutsche Geschichte 1800—1866, 1983, стр. 56-65; Гумбольдт В. ф. Идеи к опыту, определяющему границы деятельности государства // Величие здравого смысла. Человек эпохи просвещения: книга для учителя / сост. С. Я. Карп. М.: Просвещение, 1992. С. 48-53. С. 50.; Пятьдесят крупнейших мыслителей об образовании: от Конфуция до Дьюи / ed. by Joy A. Palmer ; пер. с англ. Н. Мироновой. - Москва: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012. - 420 асосида.

Интернет сайтлари:

1. <https://business-swiss.ch/2018/01/ve-f-2018-davos/>
2. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/33696/148198.pdf?sequence=4&isAllowed=y>.
3. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20200501144452900>.
4. <https://www.insidehighered.com/news/2020/04/28/study-abroad-field-faces-altered-reality-and-unknowns-about-when-regular-programs>.
5. <https://studyabroad.arcadia.edu/find-a-program/virtual-europe/>.
6. <http://www.instrao.ru/index.php/novosti-i-anonsy/novosti/item/3526-obschiy-trend-seychas-dvizhenie-v-storonu-smeshannogo-obucheniya-ekspert-o-novyh-formah-v-obrazovanii>.
7. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20200417094523729>.
8. <https://cornellsun.com/2020/04/29/students-sue-cornell-for-breach-of-contract-demand-tuition-refund/>.
9. <https://tribune.com.pk/story/2199209/1-online-education-navigates-uncharted-territory>.
10. <https://lex.uz/ru/docs/4545884>.